

ГИМ факултети 1-курс талабаларининг бир куни

Янги ўқув йили бошланиши билан 1-курс талабалари муносиб қарши олинди ва профессор-үқитувчилар билан учрашувлар ташкил этилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори, 'ъГидромелиоратив ишларни механизациялашъ яഫаров профессори Ш.У. Йўлдошев ГИМ факултети "Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш" йўналиши 1-курс талабалари билан 05.09.2019 куни учрашди.

Мазкур учрашув сермазмун ва савол-жавобларга бой бўлган "Аграр соҳада қўлланиладиган машиналар ресурсидан самарали фойдаланиш: муаммо ва ечимлар" мавзусидаги учрашувда соҳага янги кириб келаётган ёшларга ўз маслаҳатларини бердилар ва ўз ҳаёт тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Учрашув сўнгидаги талабаларга устоз соҳамиз ва давлатимиз ривожига ўз салоҳиятлари билан ҳисса қўша оладиган етук малакали кадрлар бўлиб етишишлари учун доим ўқиш ва изланишда бўлишларини меҳнат инсонни улугълашини таъкидладилар. Дарсдан сўнг талабаларга "ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОН МАНГУ БЎЛ ОМОН" шиори остида тарихий музейларимизга саёҳат уюштирилди, хусусан 101-гурух талабалари гурух раҳбари С.Холова бошчилигига Амир Темур музейида бўлиб буюк бобокалонимизнинг олиб борган сиёсати ва фаолияти юзасидан экскурсия уюштирилди. Зероки, ҳар бир ёш авлод ўз тарихини ва аждодларини билиши зарурдир.



"Гидромелиоратив ишларни механизациялаш" кафедраси стажёр -үқитувчи Сарвиноз Холова
ахбороти
Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов